

А Ж Р И М

2022 йил февраль ойининг “10” куни, Тошкент шаҳар жинойт ишлари бўйича Юнусобод туман суди, Юнусобод тумани “Тикланиш” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, судья А.А.Мухиддинов, судья ёрдамчиси А.Айтбаевнинг котиблигида, тарафлардан: Юнусобод туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Шомирзаев, гумонланувчи Пердеева Турсуной Махкамбой қизи, жабрланувчи Хасанова Зухра Хайдарали қизининг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумонланган:

15.03.1997 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати қозоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласи билан ажрашган, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Бардонкўл ҚФЙ, Боғдорчилик кўчаси 9-уйда доимий рўйхатда туриб, ватинча Қибрай тумани, Чинобод ҚФЙ, Шаббода кўчаси, 10-уйда яшовчи Пердеева Турсуной Махкамбой қизи (PERDEYEVA TURSUNOY MAHKAMBOY QIZI)га

нисбатан жинойт ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Пердеева Турсуной Махкамбой қизи ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 11 январь куни Юнусобод тумани, Мингўрик кўчаси, 5-уй, 14-хонадондан жабрланувчи Хасанова Зухра Хайдарали қизига тегишли 1 дона нархи 1.500.000 сўмлик «RedMi-9C» русумли телефон аппаратини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинганликда гумонланган.

Гумонланувчи Т.Пердеева сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан



ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи З.Хасанова сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, гумонланувчи Т.Пердеевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлигини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўрашди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқдор бўлган бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи З.Хасанова ҳамда гумонланувчи Т.Пердееванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурори катта ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумонланувчининг айбига иқдорлиги, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Т.Пердеевага нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи З.Хасановага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи Пердеева Турсуной Махкамбой қизи (PERDEYEVA TURSUNOY MAHKAMBOY QIZI)га нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-



моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи З.Хасановага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо)
А.А.Мухиддинов

Нусхаси аслига тўғри:

Маъсул судья: Мухиддинов Абдуллажон Акрамжон ўғли

